



THE CONTRIBUTION OF ACADEMICIAN YA.G. GULOMOV TO THE DEVELOPMENT OF UZBEK ARCHAEOLOGY

Jamol Yuldashev

senior lecturer

Jizzakh regional pedagogical skills center

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Academy of Science of Uzbekistan, “The school of Gulomov”, “Uzbek archeology school”, archeology, civilization, expedition, culture.

Abstract: In this article was given about activities of local expeditions in Uzbekistan, the results of archaeological researches. And also about archaeological studies on the local expeditions of Ya.G.Gulomov.

Received: 24.03.25

Accepted: 26.03.25

Published: 28.03.25

АКАДЕМИК Я.Ғ.ҒУЛОМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ

Жамол Юлдашев

катта ўқитувчи

Жиззах вилоят педагогик маҳорат маркази

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон Фанлар Академияси, “Ғуломов мактаби”, “Ўзбек археология мактаби”, археология, цивилизация, экспедиция, маданият.

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистонда маҳаллий экспедициялар фаолияти, археологик тадқиқотлари натижалари, Я.Ғ.Ғуломовнинг маҳаллий экспедициялардаги олиб борган археологик тадқиқотлари ҳақида маълумотлар берилган.

ВКЛАД АКАДЕМИКА Я.Г. ГУЛОМОВА В РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОЙ АРХЕОЛОГИИ

Джамол Юлдашев

старший преподаватель

Джиззакский областной центр педагогической экспертизы

Джиззак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Академия наук Узбекистане, «Школа Гуламова», «Школа археологии Узбекистана», археология, цивилизация, экспедиция, культура

Аннотация: В данной статье обзор деятельности местных экспедиций и результатов археологических исследований в Узбекистане. А также представлен обзор археологических исследований Я.Г.Гуломова в местных экспедициях.

Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ да археология кафедрасини очилиши (1940-йил), Ўзбекистон Фанлар Академияси қошида дастлаб Археология бўлимини, сал ўтиб тарих ва археология институтини ташкил этилиши (1943-йил) республикада режали асосда археологик тадқиқотларни олиб боришда ва айниқса, археолог мутахассисларни, хусусан маҳаллий кадрларни тайёрлашда катта аҳамият касб этди.

Археология фани тадқиқотларининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларини, хусусан ушбу соҳа мутахассисининг йил давомида маълум муддат оиласидан, яқин кишиларидан узоқда, экспедицияларда юриши каби ҳолатлар, бундан тахминан 60-70-йиллар муқаддам фан остонасида турган маҳаллий ёшларни иккилантлар, шу боис уларда тўғри қарор қабул қила олмаслик ҳолатлари учраб турарди. Шу боис, археология фанига маҳаллий ёшларни жалб қилиш масаласида юзага келган сезиларли даражадаги узилишлар, ўша даврларда кун тартибида турган маҳаллий кадрлар масаласининг долзарб муаммоларидан бири эди. Ўзбекистонда археология фанининг келажак раванқини ҳисобга олган Я. Ғ. Ғуломов бу борада ҳам баракали фаолият, амалий саъи-ҳаракат кўрсатди. Атрофига ёш, истеъдодли мутахассисларни йиғди, уларга турли давр ва ижтимоий тузумлар тарихи, моддий маданиятига оид диссертация мавзуларини белгилади, қазув-қидирув экспедицияларини ташкил қилди ва энг асосий барча имкониятларни ишга солган ҳолда, ушбу ёшларни собиқ иттифокнинг машҳур археология марказларидан ҳисобланган, Москва, Санкт-Петербург, Новосибирскдаги илмий-тадқиқот масканлари аспирантураларига ўқишга киришларига кўмаклашди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кадрлар борасидаги ушбу саъи-ҳаракатлар фаол тарзда давом эттирилди ва натижада ёш тарихчи ва археологларнинг ўзига хос “Ғуломов мактаби” дунёга келди. Айнан унинг негизида республикада “Ўзбек археология мактаби”га асос солинди.

Кадрлар бўйича бундай ижобий натижалар туфайли энди Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тадқиқотлар ўтказиш имкониятига эга бўлинди. Натижада, Хоразм, Термиз, Моҳандарё, Помир-Олой, Помир-Фарғона каби экспедициялар тузилиб катта ҳажмда муваффақиятли тадқиқотларни ўтказдилар. Бу даврда Тупроққалъа, Варахша,

Афросиёб, Эски Термиз, Болаликтепа, Қува каби олий мақом ҳукмдор бактрийларга мансуб шаҳарлар, саройлар, ибодатхона ва қишлоқ маконларининг ўрганилиши, Самарқанд ва Муғ қалъасидан суғд, Хоразмдан хоразмий, Сурхондарёдан бактрий ёзув намуналари топилиши Ўзбекистон тарихи ва маданияти, айниқса антик даврдан бошлаб юксак даражага эришганини исботлади.

Археологилар томонидан олиб боилган қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида Ўрта Осиёнинг турли жойларидан Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятига мансуб юзлаб жой-маконлар топиб ўрганилган.

XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб археологияга маҳаллий кадрлар кириб кела бошлади. Бу жараёнларда “биринчи қалдирғоч” вазифасини ўтаган Яҳё Ғуломовнинг босиб ўтган ҳаёти йўли, илмий педагогик фаолияти ва илмий мероси ўзидан кейинги авлод ўзбек археологлари учун юксак намуна вазифасини ўтади. Яҳё Ғуломов 1908-йил 1-май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳасининг Оқмасжид маҳалласида мадраса мадарриси оиласида дунёга келди. Ўрта мактабни битиргач, аввал Тошкентдаги Ўзбек таълим институтида (УЗИНПРОС) (1923-1926), Самарқандда Ўзбек давлат педагогика академиясида (1927-1930) билим олди.

1950-1964-йилларда академик Я. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида археологик экспедиция Моҳондарё водийсида текширишлар олиб борди. 1960-1961 ва 1963-йилларда Моҳондарё бўйлаб Лўҳликўл, Эчкиқирон, Кичик тузкон ва Катта тузкон кўллари атрофида 4-3 минг йилликка оид 40 дан ортиқ неолит даври маконларининг қолдиқлари, шунингдек, Замонбобо ва Кичик тузкон атрофида мил.авв. 2-минг йилликка тааллуқли 20 дан ортиқ жез даври ёдгорликлари топиб текширилди.

Шунингдек Қизилқир неолит, жез даврига мансуб археологик ёдгорликлар мажмуаси ҳам маҳаллий экспедиция томонидан ўрганилди. Қизилқир Вобкент дарёсининг қадимги адоғи, Бухоро шаҳридан 40 км шимолий-ғарбда жойлашган. 1953-йилда Я. Ғ. Ғуломов томонидан қайд этилган. 1953-1960-йилларда Ўзбекистан ФА Тарих ва археология институтининг Моҳондарё археологик экспедицияси ходимлари томонидан археологик қазилмалар ўтказилган. Тадқиқотлар натижасида Қизилқир археологик мажмуаси 4 даврга мансуб 4 та ёдгорликдан иборатлиги аниқланган. Улардан давр жиҳатдан энг қадимгиси неолит даври (мил. авв. 4-3 минг йиллик)га оид манзилгоҳ ва микролит (майда тош) қуроллар яшаш устахонасининг ўрни бўлган. Ёдгорлик саҳнидан кўплаб чакмоқтош, оқ хальцедон ва шаффоф тош жинсларидан ишланган микролит қуроллар қайд этилган. Улар Калтаминор маданиятига хосдир. 2-ёдгорлик алоҳида-алоҳида 2 тепалик (Қизилқир -1 ва Қизилқир -2)дан иборат. Қизилқир -1 неолит даври манзилгоҳидан 400-500 метр жанубий-ғарбда жойлашган. Ёдгорлик доира шаклидаги тепалик бўлиб, диаметри 82-84 метр,

баландлиги 3,5 метрга тенг. У шағалли дўнглик устига қурилган 6 хонали бинодан иборат кўрғон шаклида қурилган. Бино атрофи қалин (2,4 метр) пахса девор билан ўралган, майдони 23,5x23,5 метр. Девор 3 метргача яхши сақланган. Пахса девор тиккасига ёрилмаслиги учун 20-55 см қалинликдаги пахса қаторига устига бир қатор 44x48x10 см ли хом ғишт терилган. Кўрғоннинг дарвозаси жануб томонда бўлган. Ичкарига эни 2 метрли торгина узун (саҳни 7,5-4,5 м) йўлак орқали кирилган. Бинонинг асосий қисмининг чор атрофи йўлаксимон (бўйи 13,7 м, эни 2,75 м) узун хоналар билан ўралган, 9x9 метрли квадрат шаклдаги каттагина залдан иборат бўлган. Қизилқир 1 дан тош ёрғучоқлар, хум, сувдон, кўза, товоқ, сопол ҳайкалчалар, қора чироқ, сопол қозон, урчуқ тошлар ва бошқа хил рўзғор буюмлари топилган. Қизилқир 1 да ҳаёт милодий III асрда тугаган. Қизилқир 1 кўрғонининг марказий зали девори остидан мил.авв. 2-минг йилликнинг 2-ярми (жез даври)га мансуб қабр қазиб очилган. Бу ёдгорлик Қизилқир мажмуига 3-ёдгорлик бўлиб, ундан бошқосимон чизма нақш билан қопланган 2 дон сопол тувак топилади. Бу топилма Тозабөгёп маданиятга мансубдир.

1953-йилда Гурдуш (гўжайли) қабристон - қуйи Зарафшоннинг қадимги ўзанида жойлашган, жез даврига оид қабристон Я. Ғ. Ғуломов томонидан ўрганилган. Гурдуш қабристонига 5 та ёрма қабр текширилган. Майитлар букчайган ҳолда бир ёни билан дафн этилган. Чириб, кукунга айланган скелетларнинг билаклари, оёқ ва умуртқа суяклари ўрнида қимматбаҳо тошлар ва жездан ясалган қўшалок билагузуклар, турли хил мунчоқлар, кулоқ яқинида эса исирғалар бор. Ҳар бир қабрда сирти нақшланган 1-2 та туваксимон сопол идиш ёки уларнинг парчалари учрайди.

Гурдуш қабристонига ўхшаш ёдгорликлар қадимги Хоразм, Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ҳам топилган. Булар мил. авв. 2 минг йилликнинг 2-ярмида Ўрта Осиё чўл ва даштларида истиқомат қилган ўтроқ чорвадор қабилаларнинг моддий маданият тарихини ўрганиш учун қимматли манбадир.

Ўзбекистонда жез даври уруғ жамоаси маданияти Замонбобо Маданияти (мил. авв. 2 минг йилликнинг биринчи ярми) ҳисобланади. Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидан 15 км шимолий-ғарбда жойлашган Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилидаги макон (майдони 170 м²) ва қабристон (44 қабр) ўрганилган. Қабристонда Я. Ғуломов (1950-1951, 1953-1954), А. Аскарлов (1961, 1964) археологик қазилар ишлари олиб борган. Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлатиб қўмилган. Қазилмаларда сопол синиқлари, чакмоқтошдан ишланган қуроллар япроқсимон пайконлар, пичоқсимон тош парчалар,

сурма тошлар, жез ойна, пичоқ, куракчалар, лазурит, ақиқ, феруза, сердолик, жилвир тошдан ишланган мунчоқлар, олтин маржон топилган. Сопол идиш (таги текис ва думалок хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча)лар нақшсиз бўлиб, асосан, кўлда, айримлари чархда ясалган. Уларнинг деярли барчаси юпқа, жарангдор, баъзилари қизил ангоб билан бўялган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёргучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суякларининг топилиши, Замонбобо маданияти даврида қабилалар ибтидоий деҳқончилик ва ўтроқ чорвачилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Ҳосилдорлик маъбудасининг кичик сопол ҳайкалчасига мўл-кўлчилик рамзи сифатида эътиқод қилинган бўлса керак. Бадахшон тошидан ишланган мунчоқ, Жанубий Туркменистондаги қабилаларнинг сопол идиш ва бошқа буюмлари Замонбобо маданияти қабилаларининг қўшни қабилалар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу районда неолит даврида Калтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшаганлиги ҳам аниқланди. Кейинчалик Замонбобо маданияти ўрнида Андронов маданияти тарқалган.

Ўзбекистонда Темир даврида оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир тадқиқотлар С.П.Толстов, А.И. Тереножкин ва Я. Ғуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида Темир даври ёдгорликлари мил. авв. VIII-VI асрларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган; Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шаҳар харобалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қўрғонлари, Бўкантов қоятош суратлари текширилган. Темир даврида қадимги Хоразм ҳудудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вужудга келган.

Афросиёб ва унинг топилмаларига қизиқиш 1868-йилда Чор Россияси томонидан Самарқанд босиб олингандан кейин бошланди. Афросиёбда дастлабки казиш ишлари билан майор Борзенков (1874), подполковник В. В. Крестовский (1883), шарқшунос олимлар Н. И. Веселовский (1884-1885, 1895), В. В. Бартольд (1904) ва В. Л. Вяткин (1905; 1912-1913)лар шуғулланишди. 1919-йилда М. Е. Массон, В. Л. Вяткин тадқиқот бошлаган жойларда казиш ишларини давом эттириб, сомонийлар саройи (IX аср) харобаларини очди. 1925, 1929-1930-йилларда В. Л. Вяткин Афросиёбда казиш ишларини давом эттиради ва унинг турли даврдаги тарихига оид кўплаб материаллар тўплайди. Аммо 1930-йилларга қадар Афросиёбда олиб борилган археологик казишмалар қадимги Самарқанд тарихига доир жуда кам материаллар берган. Урушдан кейин Ўзбекистон ФАнинг Тарих ва археология институти олимларидан А. И. Тереножкин томонидан Афросиёбда жиддий дала тадқиқотлари ўтказилди. Натижада, унинг энг пастки қатламидан мил. авв. VI-V асрларга

тааллуқли буюмлар, уй-жой харобалари топилди. В. А. Шишкин (1958-1966) ва Я. Ғ. Ғуломов (1967-1970)лар раҳбарлигида олиб борилган кенг қўламли археологик қазишлар натижасида қадимги маданий қатлам материаллари Афросиёбнинг бошқа жойларидан ҳам топилди. 1966-йил 13-июлда Афросиёбни археологик жиҳатдан комплекс ўрганишни ташкил этиш мақсадида Республика ҳукуматининг махсус қарори қабул қилинди. Унга кўра, Афросиёб “археологик қўриқхона” деб эълон қилиниб, уни ўрганиш ишига Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Маданият вазирлигининг Санъатшунослик институти ҳам сафарбар этилди. Аниқ илмий режалар асосида бошланган археологик тадқиқотлар туфайли нафақат шаҳарнинг кўп асрлик ёши, балки унинг ҳар хил даврлардаги тарихий топографияси, шаҳар таркиби, шаҳар ҳаётининг ривожланиш босқичлари, босқинлар туфайли юз берган бухронлар даври аниқланди. Самарқанд ихшидларининг шоҳона саройи очилди.

Афросиёбда қазишма ишлари айниқса Самарқандда Ўзбекистон ФА Археология институти ташкил топгач, кенг қўламда кучайди. Я. Ғ. Ғуломовдан сўнг Афросиёбдаги археологик қазишмаларга Г. В. Шишкина, Ш. Тошхўжаевлар раҳбарлик қилди. Кейинги йилларда (1989-йилдан) Афросиёбни археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ишига француз археологлари Поль Бернар, Франц Гренэ ва бошқа мутахассислар жалб этилган. Француз археологик миссияси Ўзбекистон археологлари билан (М. Исомиддинов ва бошқалар) ҳамкорликда Афросиёбни ўрганишда қатнашмоқда. Ўзбек ва француз олимларининг ҳамкорликда олиб борган тадқиқот натижалари қадимги Самарқанд тарихига оид қатор масалаларга аниқлик киритди, яъни мил.авв. VI-V асрларга тааллуқли шаҳар мудоффа деворлари остидан гуваладан қурилган янада қадимги девор қолдиқлари очилиб, Самарқанднинг ёши мил. авв. VIII аср ўрталарига оид эканлиги исботланди; шаҳарнинг арки аъло қисмидан милодий VIII асрга оид мурабба (70x70) шаклидаги Самарқанд ихшидларининг маҳобатли саройи қолдиқлари очилди. Афросиёбда археологик тадқиқот ишлари ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ахсикат - қадимги шаҳар харобаси ҳисобланади. Ахсикатни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX аср охирлари XX аср бошларидан бошланган. 1885-йил Н. И. Веселовский, 1914-йил И. А. Кастанье қазиш ва қидирув ишлари олиб борган. Шўролар даврида М. Е. Массон (1939) ва А. Н. Бернштам (1948)лар текширганлар. Археологик тадқиқотлар натижасида Ахсикат арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлганлиги, шаҳарнинг уч қисми ҳам алоҳида деворлар билан ўралганлиги, аркда ҳоким саройи, зиндон, шаҳристонда ички бозор, жоме масжиди, пишиқ ғиштдан ишланган ҳовуз ва ариқлар, рабодда ҳунармандлар маҳаллалари ва ташқи бозор мавжуд бўлганлиги

аниқланган. Ахсикат Наманган ўлкашунослик музейи ходимлари томонидан ҳам ўрганилган (1957-1959). 1960-йил Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти уюштирган махсус экспедиция Ахсикат рабодидан XI асрга оид кўҳна ҳаммом ўрнини очган. У ердан сопол идиш, қувур, чақа танга ва шиша буюмлар топилган. Бундан ташқари, Ахсикат харобаларидан ғарброкда ўрта асрларга оид яна бир шаҳар харобалари борлиги аниқланган. Академик Я. Ғ. Ғуломов ва археолог И. Ахроров мазкур тадқиқотлар асосида бу ерда турли даврларга оид иккита шаҳар бўлганлигини, улардан бири қадимги Ахсикат ва иккинчиси Бобур туғилган Ахси эканлигини биринчи бўлиб исботладилар. 1967-йил рассом И. А. Смирнов Ахсикат харобаларидан йиғиб жамлаган сопол идиш, жез буюм ва зеб-зийнатлар мажмуасини Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейига тақдим этган. Ахсикат ёдгорлиги узбек халқи маданияти тарихида муҳим ўрин тутганлиги учун 1950-йилдан давлат муҳофазасига олинган.

Жиззах тумани ҳудудида жойлашган Жиззах воҳа девори 1955-йил кузида Бухоро воҳаси атрофидаги Кампирдевор харобаларини текшириб Тошкентга қайтаётган Моҳандарё археология экспедициясининг бошлиғи академик Я. Ғ. Ғуломов Жиззах воҳасида ҳам Кампирдевор қолдиқлари мавжудлигини аниқлайди. Экспедиция раҳбарининг топшириғига биноан 1957-йил баҳорида Ҳ. Муҳамедов Жиззах воҳасидаги Кампирдевор харобаларини текшириб ўрганади.

Олиб борилаган тадқиқотлар натижасида, Жиззахнинг жанубий-шарқ томонидаги Сийпанчиқтепа (Олмачи маҳалласидаги ҳарбий қисм олдида жойлашган) номли V-VIII асрларга оид турар жой маконидан бошланиб, Равот ҳудудидаги Қўрғонтепага қадар қарийиб 20 км. масофада девор харобалари анча яхши сақлангани аниқланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий экспедициялар томонидан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, Хоразм, Термиз, Моҳандарё, Помир-Олой, Помир-Фарғона каби экспедициялар тузилиб катта ҳажмда муваффақиятли тадқиқотларни ўтказдилар. Археологилар томонидан олиб боилган қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида Ўрта Осиёнинг турли жойларидан Жойтун, Қалтаминор ва Ҳисор маданиятига мансуб юзлаб жой-маконлар топиб ўрганилган.

Ўзбекистонда археология фанига катта эътибор берилиши натижасида бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг натижаси сифатида тарихимизнинг бир неча юз минг йилликлардаги тарихий воқеликларга ойдинлик киритилмоқда, Ўзбекистон жаҳоннинг илк цивилизация марказларидан бири эканлиги ўз исботини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Ш.Ширинов, А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев // Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1. 4-10 бет

2. Холбоев З.Т “Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари” ўқув услубий қўлланма ЖДПИ 2014 й.
3. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959 йил 39,48 бет
4. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1973.
5. Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил.8 жилд, 488 бет
6. Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил.8 жилд, 488 бет
7. Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил.8 жилд, 488 бет
8. Шишкин В. А., Варахша, Москва., 1963 84,97 бет